



НОМГА ДОҒ ТУШИРМАНГ!

Милиция ходимларини қаттиқ ҳурмат қиламан. Худо кўрсатмасин, агар бошимизга бирор кулфат тушгудек бўлса, дарров уларга мурожаат қилишга, ёрдам сўрашга ошиқамиз.

Қолаверса, формаси ўзига ярашиб турган хушбичим йигитларнинг аксарияти ўта маданиятли эканликлари билан ажралиб туришади. Лекин минг афсуски, шולי курмасиз бўлмайди, деганлари рост экан.

Мен жумҳурият автомобиль транспорти вазирлигининг жамоатчи назоратчисман. Баъзан автобус, трамвай, троллейбусларда юриб, ана шу вазифани бажаришимга тўғри келиб қолади. Йўловчиларнинг хислатлари турфа хил, шу жумладан, милиционерларники ҳам (улар учун интизом ягона бўлсада).

Тўғри, улар транспорт воситаларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аммо шундай пайтлар ҳам бўладики, уларнинг айримлари бирга кетаётган хотини, синглиси ёхуд ўртоғи учун ҳам чипта олмайдилар. Сўрасангиз, у мен билан, дея менсимай муносабатда бўлишади. Бу ахир, биринчидан, одамийликка, қолаверса ҳеч қанақа қонунга ҳам тўғри келмайдику.

Шу ўринда баъзи ўқувчилар ушбу мақола муаллифи нима учун ана шундай қондабузар милиционерлар исм-фамилиясини аниқ ёзмайди, деб ҳайрон бўлишлари мумкин. Лекин эғнида милиция формаси ёки чўнтагида гувоҳномаси бўлган кишини мажбур қилиб, исм-фамилиясини билиш осон эмас. Ундай шахслар, қўпол қилиб айтганда, мендай бир оддий назоратчининг ҳақли талабларини бир тийинга

олишмайди. Яқинда шахримиз кўчалари бўйлаб қатнаётган трамвайлардан бирига чиқдим. Буни қарангки, фуқаро кийимидаги бир йигит салоннинг ўртасида ёшгина аёлнинг белидан қучиб турибди. Чол-кампырлар, ёш қиз-жувонлар кўзи олдидаги бу ҳолат менга ўта беҳаёлик бўлиб туюлди.

Уларга яқинлашиб, чипталарини кўрсатишларини сўрадим. Йўқ экан, жарима тўлашларини талаб қилдим. — Менга қаранг, бобой. Мени жуда хит қилиб юбордингиз. Эртага Фрунзе тумани ИИБга боринг, уч сўм бериб юбораман. Исмим Руслан, — деса бўладими.

18 январь куни соат 15 дан 40 минут ўтганда «Госпитал бозори» бекатида тўхтаган 24-йўналишли трамвайга чиқиб, чипталарни текшира бошладим.


Чамаси энг катта набирам тенги йигитдан чипта сўрасам:

— Аввал ўзингизнинг ҳужжатиңизни кўриб қўяйликчи, — деди кўзларини бақрайтириб.

Кўрсатдим. Кейин у ҳам ёнидан қип-қизил гувоҳномасини намоёишкорона кўрсатиб, шундай ҳақорат қилдики, хўрликларим келди. Хайриятки, салонда милиция формасидаги аёл бор экан. Унинг ёрдами билан Ленин тумани ИИБ томонидан дружиначи Собирова берилган 0055 рақамли гувоҳномани ўқишга муваффақ бўлдим.

Милицияни ҳамон эъзозлайман. Лекин айни пайтда ички ишларга адашиб кириб қолган шахслар тинчлик посбони деган номга доғ туширмаса эди, деб қўрқаман.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат кексаси.



Йўлларимизда юз бераётган транспорт билан боғлиқ ҳодисаларнинг аксарияти ҳайдовчилар интизомсизлиги туфайли юз бермоқда. Шунинг учун арзимасдай туюлган қондабузарлик ҳам ДАН ходимлари диққатидан четда қолмапти.

СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ йўл-патрул хизмати взводи командири милиция капитани Сайфутдин Акбаров ва йўл-патрул хизмати инспектори милиция сержанти Қобул Толиповлар ҳаракат қондаларини назар-писанд қилмаган ҳайдовчининг ҳужжатларини текширишмоқда.

2. Навбатдаги топшириқ қабул қилиб олинмоқда.

Александр КОШКИН олган суратлар.

17 МАРТ — ССЖИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

Мамлакатимиз тақдири тўғрисида СССР референдумини ўтказиш кейинги вақтдаги энг муҳим сиёсий воқеадир. 17 март куни Ўзбекистон халқлари ўз хоҳиш-иродаларини билдирадилар, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ республика жамоатчилигининг деярли бари яқдиллик билан «Янгиланган Иттифоқ бўлади!» дейишига ишониш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида референдумга тайёргарликка бағишлаб ўтказилган кенгашда шу тўғрида гапирилди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов ахборот берди.

(ЎзТАГ).

[Ўзномамизнинг 2, 3-бетларида «Суверен республикаларнинг Иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси билан танишишингиз мумкин].

УЧАСТКА ВАКИЛИ — ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

Участка вакили, милиция катта лейтенанти Қудратилло Бешимқулов Қамаш тумани ички ишлар бўлимида 1978 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. Дастлаб у ДАНда йўл назорати инспектори бўлиб ишлади. Бу даврда Қ. Бешимқулов йўл ҳаракати қондаларини бузувчи ҳайдовчиларга нисбатан талабчанлик билан иш олиб борди.

Туман ички ишлар бўлими раҳбарлиги Қудратилло Бешимқуловнинг ишчанлиги ва ўз хизмат вазифасига фи-

дойилигини ҳисобга олиб, уни 1983 йилдан эътиборан участка вакили этиб тайинлади. У хизмат қилаётган «Қорабоғ» давлат хўжалиги ва Охунбобоев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари участка вакилининг хизматида хурсанд. Чунки осойишталик посбонининг сермашаққат хизмати туфайли унинг маъмурий хизмат участкасида жиноятчилик ва тартибузарлик йилдан-йилга камайиб бормоқда. У ўз тажрибасига таянган ҳолда бирқанча исзис жиноятларни очди.

Мунтазам равишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораётганлиги учун ҳам унинг участкасида намунали жамоат тартиби ўрнатилган. Участка вакилининг ҳисобида 50 га яқин муқаддам судланган, текинхўр, мунтазам спиртли ичимлик ичувчи, маъмурий кузатувдаги шахслар ва жанжалли оилалар бор. Участка вакили улар билан деярли ҳар куни шуғулланиб, суҳбатлашиб туради. Вақти келганда уларнинг ҳолидан хабар олиб, амалий

ёрдам кўрсатмоқда. Ўз ишига талабчан бўлгани учун ҳам ўтган йилнинг ўзида иш-ламасдан текинхўрлик билан яшаб келаётган 7 кишини аниқлаб, уларни иш билан таъминлади. 10 дан ошиқ бузилаётган оилаларнинг иноқ яшаб кетишига эришди.

«Қорабоғ» давлат ва Охунбобоев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари Қудратилло Бешимқуловнинг хизматида қониққанлиги учун ҳам уни 4-Қўриқ сайлов округидан қишлоқ Кен-

гаши депутатлигига сайланганлар. Айни кунларда у ўз сайловчилари билан учрашувлар олиб бормоқда, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилмоқда.

— Кимки, яхши, ҳалол хизмат қилар экан, уни халқ севади ва қўллаб-қувватлайди, — дейди участка вакили.

Дарҳақиқат, унинг сўзида жон бор. Эл севган узоқ яшайди ва хизматидан баҳра топади.

**Зубайдулло
МУҲАММАДИЕВ,**
Қамаш тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлимидаги бошлиғи, милиция майори.

ТАХТАКҮПРИК бекатидан сўнг Чортоқ йўли бошланади. Шундан икки километр нарида танҳо қабр бўлиб, ёнида жамоа хўжалиги кўчасига олиб чиқадиган (ҳозирги Соли Адашев кўчаси) сўқмоқ бор. Сўқмоққа туташиб кетган пахтазор ичида одам жасади ётибди, деган хабар келди.

Виз милиция полковниги Мамажон Эгамбердиев, Фазлидин Нуриддинов, Ботирали Асқаров, Турсунбой Нишонлар билан бирга воқеа содир бўлган жойга етиб келдик. Жасади гўза эгитининг ичида мук тушиб ётибди. Унг оёғидаги 40-ўлчамдаги кирзали этик бош томонида турибди. Пайтавалари чувалмаган ҳам. Чўнтагидаги бор нарсаларга хиёнат қилинмаган. Хўш, бунинг сирини нимада? Нега битта оёғидаги этик ечилмаган? Маст эканлиги шундоқ ҳам сезилиб турибди. Ёнидан бирор жўяли маълумот топилганда эди, муаммо осонроқ ҳал бўлардим...

Кўп изладик. Сал гумондаги анчайин кишилар билан савол-жавоблар қилдик. Ҳеч ким кўрдим демади, гувохликка ўтмади. Жиноят содир бўлган депара Наманган тумани милицияси масъулиятида эди. Аҳоли эса шаҳар маҳаллаларига қарарди. Шаҳар милиция бўлимидаги ўртоқлар худди ўша жиноят содир этилган жойнинг тепа кўчасида безорилик қилиб қамалиб, муҳлатини ўтаб келган Ш. деган кимсани айтишди. Кейинги суҳбатлар оқими ҳам шу шахсга бориб тақалаверди.

Ниҳоят, ярим кечада Ш. яшаётган ҳовлига кириб бордик. Бунақа ҳолатларни бошдан кечирмаган ота ички қалтироқларини ба-зур тийган бўлиб, у ухлатган тўрдаги уйни кўрсатди. Шиддатли қадамларимиз-

дан уйку аралаш гаранг бўлиб қолган Ш. У. қаршилик кўрсатолмади. Ёстигининг тагидан каттагина Чуст пи-чоғи топилди.

Ш. У. эрта тонггача саволларимизни жавобсиз қолдириб, пинак бузмади, ёнига йўлатмади. Ниҳоят, узун «уҳ» тортди, сигарета сўради, икки донасини устма-уст чекди ва бирма-бир сўзлаб берди:

— Тахтакўприкка келсам, у дўкон ёнидаги кўчада уч-тўртта ўсмир ёшлар билан ади-бади айтишиб турган

ўтирган-у, ундан тушиб, ўсмирларга дуч келган...

...Жасадининг шахсини аниқлаб бўлмади, қариндошлари ҳам топилмади. Тўрт ойча ўтгач, 3-пахта тозалаш заводи ишчиси Раҳимжон Суюнов исмли ҳаққулбодлик одам эканлиги маълум бўлди.

Йиллар ўтиб, мен Наманган тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосарлиги вазифасидан Норин тумани ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасига тайинландим. Икки туман қайта тикланган йил эди. Депара

дараги чиқмайди. Ҳаққулбод қолиб, отам бечора бизни боқаман, деб Наманган пахта заводида ишларди. Безорилар қўлида ўлиб кетди. Тобутининг бир томони кўтаришга ярамадим, сўнгги бор дийдорини ҳам кўролмадим. Қабри қаерда, билмайман. Дадам, унинг қотили эсимга тушаверади. Шунақа пайт уйимиздаги буюмларни сотиб ҳам ичгим келаверади, ичгандан кейин ҳамма менга дадамнинг қотили бўлиб кўринади, ёниб кетаман. Энди мен ким бўлдим?

Менинг ҳам вужудим пинҳона алангада қолди. Юрагим жиз-жиз ачишди.

— Отинг нима?

— Валижон Суюнов.

— Демак Валижон Суюновсан. Ихм... Дадангнинг ароқ ўлдирган. Ароқ ичмаганида, маст бўлмаганида, у ўлмасди, сизларни ардоқлаб ўстирарди, ўкситмасди... Дадангнинг жасадини мен кўтарганман, мана шу қўлларим билан.

Бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб бердим.

Қўлида чақалоғи билан келган опаси Замира ҳам пиқиллаб турарди. Кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Валижон бир опасига, бир менга қараб фарёд аралаш ўкириб юборди. Унга қўшилган Замирахоннинг фарёди хонани зирқиратиб юборди. Мени маҳкам кучоқлаб олди. Сукутда қолди. Мен ҳам бу сукунатни бузмадим...

Валижон ишга жойлашди, оилага бош-қош, сингилларини турмушга чиқаришда онасига мадор бўлди, ўзи эса бола-чақали. Вақти келганда мандан ҳам хабар олиб туради.

Жалолхон ҚОДИРОВ,
истеъфодаги милиция подполковниги.



экан Тартибга чақирдим-у, балога қолдим. Менга олиб олди. Мен ҳам унинг сўзларига, сўкишларига жавоб қилган бўлиб, танҳо гўргача келдик. Худди шу ердан сўқмоқ бўйлаб уйимизга кетишим керак эди. Яна ялтоқланди. Осилиб олди, қадам босишимга имкон бермади. Шу зум иккимиз олишиб кетиб, гўза ичига йиқилдик, дўппослашдик. Менинг ҳам кайфим бор эди, ё оёғига илашиб йиқилдим, ё чалиб йиқитди. Шунда оёғидан тортиб ағдариб ташлайман десам, этиги сўғурилиб чиқди, этик билан дўппослаб қолдим, толгунимча урдим. Сўнгра этини ташлаб, уйимизга йўл олдим. Агроф қоронғи эди...

— Илгари танирмидингиз?

— Йўқ, биринчи учратишим. Афтидан, билиб-билмай Тахтакўприк автобусига

жуда катта, шунга яраша иш ҳажми ҳам. Участка вакили Мўйдинхон Тожибоев ўзининг қарамоғидаги даҳада бир ёш ўсмир уйидагиларга, айниқса, сингилларига, ён қўшнларга асло тинчлик бермаётгани, муттасил ичиб келаётгани, умуман маҳаллани безиллатиб қўйгани хусусида ахборот берди.

Кабинетга олиб келишди. Йигитча ғазабда эди. Мен уни ўтқаздим-у, ўз ишим билан «машгул» бўлавердим. Аҳён-аҳёнда чой узатиб турдим. «Ишларинг яхшимми?» — деб қўяман «хат ёза туриб». Ниҳоят, аста-аста суҳбатга ўтдик. У оила бошлиғи йўқлигидан зорланиб йиғлади, ҳаётдан тўйганини айтди. Шу ерда унинг сўзларини тўхтатдим.

— Нега ҳаётдан тўясан?
— Отам йўқ. Мана икки-уч йил бўлдики, дадамнинг

ҲИСОБИДАН АДАШГАН ҲИСОБЧИ

Шаҳрисабз шаҳридаги консерв заводида Жуманазар Умमतонинг обрў-этибори ҳавас қилса арзиғулик эди. Кимсан — бош ҳисобчи, ўз ишининг моҳири.

Афсуски, одамнинг олмаси ичида, деганларидек, бу кишининг ҳийласини кўпчилик билмас экан.

Яқинда у ишлаётган корхонада тафтиш ўтказилди. Натijaда Ж. Умमतов 5000 сўмни ялмай ютиб юборганлиги маълум бўлиб қолди.
Р. УСМОНОВ.

ПИЁЗНИНГ АЧЧИФИ ЙИҒЛАТДИ

Бу гапни эшитганлар ҳам кулади, ҳам куяди. Ҳазалкент шаҳридаги Ленинград кўчасида истиқомат қилувчи 29 ёшли Урозбой Алметов антиқа ўғирликка қўл урди. Вўстонлик давлат хўжалиги марказий омборхонаси эшигини бузиб кириб, ҳар бири 50 килограммлик 8 қоп пиёз уруғини ўмарди. Лекин халқ суди бу қинғир ишни жавобсиз қолдирмади. Ҳар килоси 16 сўмдан ҳисобланганда 6 минг 400 сўмлик давлат мулкига кўз олайтирганни айбдорнинг бўйнига қўйди. Шундай қилиб, Урозбой Алметов ЖМнинг 114-моддаси 4-қисми билан айбдор, деб топилди. Беш йил озодликдан маҳрум этилди ва мол-мулки мусодара қилинди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.



Хўжалик алоқаларининг издан чиққанлиги, шартномалар ижроси ўзбошимчалик билан бузилаётгани дўконлар пештахталаридан кундалик эҳтиёж буюмларини

нинг қўйиб бўлишига сабаб бўлмоқда. Лекин ҳамма айб тилга олинган бу камчиликларда эмас.

Дунёни сув босса, тўпига чиқмайдиغان савдо ходимлари чўнтак планини ошириб-тошириб бажариш учун ўзлари каби пулга ўч чайқовчиларга харидорғир молларни яширин равишда етказиб беришмоқда. Милиция ходимлари халқни талашганлар билан курашмоқдалар.

Суратларда: (чапдан ўн-га) 1. Бўка тумани ИИБ БХСС бўлимаси ходимлари милиция лейтенанти Х. Омонуллаев ва милиция капитани А. Норжигитовлар.

2. Чайқовчилардан олинган лезвиялар.

Ольга ЖУРАВЛЕВА
олган суратлар.



ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

ФОЗИЛБЕК ҲАМОН БҲЙДОҚ

Фозилбек ўзига тўқ оилдан, Шунинг учунми ўта кетган эркатой, айтгани-айтган, дегани-деган. Мана, ҳарбий хизматдан қайтганига ҳам уч ой бўлаптики, бирор жойга ишга киришни, беш-тўрт сўм пул топиб, баҳоли қудрат ота-онасига ёрдамлашини ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ. Чунки ота-онасининг айни пайтда бир эмас, иккита келин туширишга ҳам қурби етади.

Бекорчилик нимага етайлайди? Албатта, безориликка. Шундай бўлди ҳам. Фозилбек эски киссавур ўртоқларини топиб олди.

Кунлардан бирида автобусга чиқишди. Одам тирбандлигидан фойдаланиб, кўхликкина қизнинг сумкасини қирқиб, ичидан ҳамёнини олиб қўйди. Қиз тушмеғур сергаккина экан, қўлидаги қирқилган сумка билан Фозилбекнинг юз-кўзи аралаш тушириб қолса бўлади-ми. Зўрға автобуснинг орқасиғидан қочинча улгурди.

...Кечкурун уйига келса, онасининг оғзи кўлоғида.

— Бахтинг очилди, болам, ой деса оғзи, кун деса кўзи бор бир соҳибжамол қизнинг ота-онаси билан ишни пишитиб қўйдим. Бўлажак келин билан бир учрашиб олсанг, кифоя.

Тун бўйи Фозилбек ширин орзулар оғушида ухломмай тўлғониб чиқди. Эртаси кун белгиланган вақтда опаси билан Гагарин боғига борди. Қўлида бир кучоқ гул... Ниҳоят, йўл чеккасида тўхтаган сутдек оппоқ «Жигули»дан икки қиз тушди. Келин бўлмиш, ҳойна-ҳой орқасидаги бўлса керак, солланиб-солланиб қадам ташлайди, нигоҳи эса ерда... Ниҳоят кўзлар тўкнашди. Йигитнинг нотинч юраги янада ҳаприқиб кетди. Лекин қиз кутилмаганда йигит узатган гулни улоқтириб юборди-ю, орқасига қарамай қочиб қолди. Бу ҳол йигитни, унинг опасини, кейин ота-онасини ҳайратга солди.

Оназор яна эрталаб қизнинг уйига равона бўлди. Нима гаплигини билиш керак. Фозилбекнинг кўзи тўрт, тиқ этса эшикка қарайди. Орадан уч-тўрт соат ўтгач, онаси қайтиб келди. Жаҳлдан юзлари кўкариб кетган.

— Яшшамагур, ўғри! Икки кун олдин автобусда Сайёранинг сумкасини қирқиб, ҳамёнини ўғирлаган экансан. Шарманда қилдинг-ку мени!

Уша воқеага ҳам бир йилдан ошди. Фозилбек ҳамон бўйдоқ.

Маҳкам ҲАМИДОВ.

ЭЪЛОН

1990 йили Тошкент шаҳар Куйбишев туманидаги Дзержинский номли 223-ўрта мактабни тугаллагани ҳақида **ПРИМҚУЛОВА** Муҳаббат Джураевна номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги А серияли № 117396 шаҳодатномага илова қилинган табель йўқолганлиги сабабли мазкур шаҳодатнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир — 32-38-86,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 48-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР